

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМОМОВ ОТАБЕК НОРМИРЗОЕВИЧ

**ЧУСТ – ПОП АДРЛАРИ ШАРОИТИДА АЙРИМ ФОЙДАЛИ
ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган - 2020

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on biological sciences**

Имомов Отабек Нормирзоевич

Чуст – Поп адирлари шароитида айрим фойдали озукабоп ўсимликлар
биоэкологияси.....3

Имомов Отабек Нормирзоевич

Биоэкология некоторых полезных кормовых растений в условиях Чуст – Папских
адыров.....21

Imomov Otabek Normirzoyevich

Bioecology of some useful fodder plants in Chust - Pap adyrs conditions39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМОМОВ ОТАБЕК НОРМИРЗОЕВИЧ

**ЧУСТ – ПОП АДирЛАРИ ШАРОИТИДА АЙРИМ ФОЙДАЛИ
ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган - 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/B214 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимова Тўраҳон Узақовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Акрамжон Султанмурадович
биология фанлари доктори, профессор

Махмудов Валижон
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.76.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 20 ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 - уй. Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99869) 227-06-12, факс (+99869) 227-07-61, e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (331 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 - уй, Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2020 йил 6 ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил 6 ноябрдаги №11 рақамли реестр баённомаси)


А.Э. Зайнабидинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., доцент

Х.Э. Эргашева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари бўйича PhD., доцент

А.Р. Батошов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолини жадал суръатларда ўсиб бориши, барча эҳтиёжлар қатори чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни ҳам ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Чорвачиликда табиий яйловлар катта аҳамиятга эга бўлиб, улардан нотўғри фойдаланиш озучабоп ўсимликларни кескин қисқаришига ва чўлланиш жараёнига сабаб бўлмоқда. Деградацияга учраб ўсимликлар жамоаси сийраклашаётган яйловларда чорвачиликни барқарор ривожлантириш учун экосистемаларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш орқали ем – хашак базаларини мустаҳкамлаш муҳим бўлиб, бунинг учун ушбу яйловларни қайта тиклаш мақсадида фойдаланиладиган истиқболли озучабоп ўсимликларнинг биоэкологиясини ўрганиш, уларни етиштириш усулларини ишлаб чиқиш долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда чўлланиш жараёни, уни олдини олиш, ўсимликлар жамоаси қисқариб деградацияга учраган худудларда сунъий яйловлар ҳосил қилишнинг илмий ва амалий асослари, худудлар флораси, ўсимликларнинг биологик, экологик, биокимёвий, генетик ва структуравий физиологик хусусиятларига асосланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чўлланиш жараёнини олдини олишда худудларга мослашган, маҳаллий истиқболли озучабоп ўсимликларни мосланиш хусусиятларини ўрганиш, кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда. Бу борада адир минтақаларидаги яйловлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу худудлар флорасидан истиқболли турларни танлаш, биоэкологиясини ўрганиш, худудлар тупроқ – иқлим шароитига мос, илмий асосланган етиштириш усулларини тадбиқ қилишни талаб қилади. Адир минтақаларида тарқалган, аммо ҳозирда қисқариб бораётган эдификатор ва озучабоплиги юқори бўлган турларни тадқиқ қилиш, мавжуд ўсимликларни сақлаган ҳолда юза яхшилаш усулида кўпайтиришни амалга ошириш ўсимликлар жамоаларини қайта тикланишида муҳим аҳамиятга эга.

Республикамызда деградацияга учраётган яйловларни баҳолаш, ўсимликлар турларини инвентаризациялаш, худудлар флорасидан истиқболли ем – хашак ўсимликларни танлаш, кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ишлари амалга оширилмоқда ва қайта тиклашга оид тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Чорвачиликни янада ривожлантириш: чорвачиликнинг озуча базасини яратиш, сифатли озучалар билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Фарғона водийсининг шимолий ғарбида жойлашган деградацияга учраётган Чуст – Поп адирлари яйловларини ҳам оптимизациялаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу адирлар ўсимликлар жамоасини худуд шароитига мослашган фойдали озучабоп ўсимликлар ёрдамида юза яхшилаш усулида кўпайтириш учун

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

уларнинг биоморфологик, экологик ва физиологик мосланиш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги ПҚ-4204-сон «Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдаги 538-сон «Яйловлар тўғрисида»ги Қонуни ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши вазифаларидан келиб чиқиб бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликлар жамоаси камайиб, чўллашиб деградацияга учраган ҳудудларни қайта тиклашда фойдаланиладиган озубоқ ўсимликлар биоэкологиясини илмий ва амалий асослари яратилган бўлиб, хорижилик олимлардан Harrison R. D. et al. (2002), Gintzburger G. et al. (2005), Blair L. Waldron et al. (2006), Anteneh Belayneh et al. (2017), Krista Ann Ehlert (2017), МДХ мамлакатларида Н.Т. Нечаева (1979), А.В. Валиев (1987), И.В. Ларин (1990), М. Нурбердиев (2009), Б.Н. Насиев (2014), З.Ш. Шамсутдинов (2016), ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Республикамизнинг турли ҳудудларида И.И. Гранитов (1964), В.А. Бурыгин (1977), Д.К. Саидов, О.Х. Хасанов (1980), Р.С. Верник, Т.Т. Рахимова (1982), Т.У. Рахимова (1997), К.Н. Тодерич (2014), А.Р. Раббимов (2016), С.Г. Шеримбетов (2017), Т. Рахимова ва бошқ. (2018), Х.Ф. Шомуродов (2018) ва бошқалар яйловлар ўсимликлар қоплами, фойдали озубоқ турларни экиб кўпайтириб уларни биоэкологиясини ўрганиб амалиёт учун тавсиялар берган. Охириги йилларда Наманган вилояти адир ҳудудларида ўсимликлар қопламини замонавий ҳолати, антропоген трансформацияси, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимликлари К.Ш. Тожибаев, Н.М. Наралиева (2012; 2019), Ф.И. Каримов (2016), Г.А. Иброхимовалар (2018, 2020) томонидан тадқиқ қилинган. Бироқ, юқорида келтирилган илмий ишлар Чуст – Поп адирлари экосистемасини тиклаш мақсадида *Salsola orientalis*, *Bassia prostrata*, *Krascheninnikovia ewersmanniana* ва *Artemisia sogdiana* ўсимликлари биоэкологияси ҳақида маълумот бермайди, ушбу турлар биоморфологияси, мавсумий маромлари, уруғ унувчанлиги, сув режимини ўрганиш ва етиштириш усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Фарғона водийси табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш ва юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш имкониятлари» (2009-2011), Ўзбекистон Миллий университетининг «Тизимли таҳлил асосида ўсимликларнинг қурғоқчиликка, шўрланишга ва саноат чиқиндиларига чидамлилигини асослаш, чўлланиш жараёнини олдини олиш» (2010-2012) мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Чуст – Поп адирларида истиқболли озуқабоп ўсимликлар *Salsola orientalis*, *Bassia prostrata*, *Krascheninnikovia ewersmanniana* ва *Artemisia sogdiana*ни суғорилмайдиган шароитда экиб кўпайтириб, уларнинг биоэкологик хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимликларнинг лаборатория ва дала шароитида уруғлари унувчанлигини аниқлаш;

озуқабоп ўсимликлар онтогонезининг асосий давр ва босқичларида морфологик тузилиши, биоэкологик хусусиятларини тавсифлаш;

турларнинг мавсумий маромлари, фенологик фазаларининг ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги, ёғин миқдори ҳамда тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда ўзгаришини таҳлил қилиш;

ўсимликлар баргида сув миқдори, транспирация жадаллиги, сув танқислиги, хужайра ширасининг осмотик босими, сувни сақлаш қобилияти каби сув режими кўрсаткичларини аниқлаш;

сув режими кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти озуқабоп ўсимликлар *Salsola orientalis* S. G. Gmel – кейреук (шарқ шўраги), *Bassia prostrata* (L.) Beck, subsp. *grisea* Prat. Subsp. nov. – кулранг изен, *Krascheninnikovia ewersmanniana* (Stschegl. ex Losinsk.) Grubov – эверсман терескени, *Artemisia sogdiana* Bunge – суғд шuvoғи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети озуқабоп ўсимликларнинг биологияси, экологияси, физиологияси ва етиштириш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала шароити тажрибаларида морфологик, фенологик, экологик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Salsola orientalis*, *Bassia prostrata*, *Krascheninnikovia ewersmanniana* ва *Artemisia sogdiana* ўсимликларининг Чуст адирлари тупроқ – иклими шароитида биоморфологик, биоэкологик хусусиятлари асосланган;

озуқабоп ўсимликларнинг лаборатория ва дала шароитида уруғлари унувчанлиги аниқланган;

ем – хашак ўсимликларни абиотик омилларга боғлиқ мавсумий маромлари очиб берилган;

танланган ўсимликларнинг сув режимини асосий кўрсаткичлари ушбу ҳудудда тўлақонли аниқланиб, уларни курғоқчил муҳитга мосланиш хусусиятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Чуст – Поп адирлари шароитида деградацияга учраган яйловларда ўсимликлар қопламини қайта тиклашда *Salsola orientalis*, *Bassia prostrata*, *Krascheninnikovia ewersmanniana*, *Artemisia sogdiana* ўсимликларидан фойдаланиш имконияти борлиги асосланган;

ўсимликларни юза яхшилаш усулида кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган ва тажрибалар натижаларига кўра Чуст – Поп адирлари шароитида ушбу ўсимликлар аралаш ҳолда кўпайтирилганда яйловлар ҳосилдорлиги гектарига 3 центнердан 14 центнерга ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замонавий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларни қайта ишлашда ўртача қийматнинг ишончлилиқ интервали маълумотлари статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор *Salsola orientalis*, *Bassia prostrata*, *Krascheninnikovia ewersmanniana*, *Artemisia sogdiana* ўсимликларининг биоэкологик хусусиятлари Чуст – Поп адирлари шароитида ўрганилиб уларни мосланиш хусусиятлари асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти деградацияга учраган Чуст – Поп адирлари ўсимликлар жамоасини юза яхшилаш услуби ёрдамида танланган озуқабоп ўсимликлар орқали яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш мумкинлиги ва чорвадор фермерларга бу борада тавсиялар ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чуст – Поп адирлари шароитида айрим фойдали озуқабоп ўсимликлар биоэкологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Salsola orientalis S. G. Gmel. - кейреук, *Bassia prostrata* (L.) Beck - кулранг изен, *Krascheninnikovia ewersmanniana* (Stschegl. ex Losinsk.) Grubov - эверсман терескени ва *Artemisia sogdiana* Bunge - суғд шувоғи ўсимликлари Чуст – Поп адирлари иқлим шароитларига мос етиштириш усуллари Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган «Чуст-Бобир-Иброҳим» фермер хўжалигининг адир яйловларида 5 га майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг 2020 йил 21 июлдаги 02/027-2218-сон маълумотномаси). Натижада, инқирозга учраган адир яйловларида озуқабоп ўсимликлар маҳсулдорлиги 14 ц/га (табиий ҳолда 3 ц/га) ошириш имконини берган;

Озуқабоп ўсимликларни юза яхшилаш усули ёрдамида кўпайтириш Чуст – Поп адирлари яйловларида 5 га майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон

Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 1 июлдаги 02-02/8-1053-сон маълумотномаси). Натижада, инқирозга учраган адир яйловларида озучабоп ўсимликлар экилган майдонларда тупроқлар эрозиясини олдини олиш, экосистеманинг қайта тикланиши ва ўсимликлар хилма – хиллигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зурурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чуст – Поп адирларининг табиий географик шароитлари, адабиётлар таҳлили, тадқиқот усуллари**» деб номланган биринчи бобининг биринчи бўлимида ҳудуднинг табиий географик шароитлари: географик ўрни, геологияси, рельефи, иқлими, тупроғи таҳлил этилган. Ушбу адирлар Фарғона водийсининг шимолий ғарбида, жанубий ғарбдан шимолий шарқга томон чўзилган. Шимолий ва жанубий координаталари 41°00' ва 40°45' шимолий кенгликни ҳамда ғарб ва шарқдаги чекка нуқталари 70°25' ва 71°22' шарқий узокликни эгаллайди. Чуст – Поп адирлари чўл иқлимига яқин бўлиб, кескин континенталь йиллик, мавсумий ва сутка давомида тез ўзгарувчан, қуруқ, узок давом этувчи иссиқ ёз, ҳамда куз ва баҳорда намгарчилик узок давом этмайдиган ёғин миқдори кам ҳудуд. Тажрибалар ўтказилган календарь йиллик ўртача ҳарорат 2009 йил +15,2 °С; 2010 йил +14,9 °С; 2011 йил +15,3 °С; 2012 йил 14,6 °С; ни ташкил этган. Ёғин миқдори эса 2009 йил 111,7 мм, 2010 йил 252,3 мм, 2011 йил 211,8 мм, 2012 йил 135 ммни ташкил этган. Чуст – Поп адирлари тупроғи шағал – тошли, тўқ тусли бўз тупроқ, унумсиз. Дала тажрибалари Чуст шаҳридан 5 км шарқда жойлашган Чуст адирларида жойлашган “Чуст-Бобир-Иброҳим” фермер хўжалиги ҳудудида олиб борилган.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида ҳудуд ўсимликлар қоплами ва уни ўрганилиши ҳамда озуқабоп ўсимликлар биоэкологиясига оид адабиётлар таҳлил қилинган. Озуқабоп ўсимликлар биоэкологияси оид тадқиқотлар дунё, МДХ ва Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари даражасида таҳлил этилган ва Чуст – Поп адирлари ҳудудида тадқиқот объектларининг биоэкологиясини ўрганиш зарурати асосланган. Ушбу бобнинг учинчи бўлимида тадқиқот усуллари батавсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Озуқабоп ўсимликларнинг биологик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларининг онтогенезини турли давр ва босқичларида морфобиологик хусусиятлари, лаборатория ва дала шароитида уруғлари унувчанлиги, экологик омилларга боғлиқ мавсумий маромлари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Salsola orientalis - кейреук ўсимлиги уруғини лаборатория шароитидаги унувчанлиги турли вақт оралиғида сақланган уруғларда ўртача 33 – 40% бўлиб, булар ичида юқори кўрсаткич 1 ой сақлангандан кейингиси, унда 57,5 – 60,25% бўлди. Дала шароитида кеч кузда 0,5 см чуқурликга ноябрь ойида экилган вариантларининг унувчанлиги икки йиллик натижаларга кўра бошқа вариантлар (0,0; 0,5; 1; 2; 3 см чуқурлик)га нисбатан юқори бўлиб (20,5 ва 19,25%), март ойининг биринчи декадасида униб чиқди. Икки ва ундан катта ёшли ўсимликлар ҳам вегетациясини март ойининг биринчи декадасида бошлади. Биринчи йил ўсимликни майса ва ювениль босқичларида ер устки қисмини ўсиш тезлиги секин, илдиз қисми тез ўсди. Май ойининг иккинчи ярмидан имматур босқичига ўтганда ер устки қисмини ўсиши тезлашиб, мазкур ойнинг охирида бўйи 30 смгача, ён новдалар 15 смни, илдиз 70 смни ташкил этади. Икки ва ундан катта ёшли ўсимликларда ер устки қисмлари апрель ва май ойларида тез ривожланади. Биринчи йил 5 – 10% ўсимликлар июнь ойи охирида генератив даврга ўтди. Катта ёшли ўсимликлар май ойининг иккинчи ярмидан генератив даврга ўтади. Учунчи йил 85 – 90%, тўртинчи йил 100% ўсимликларда генератив давр кузатилди. Ўсимликларнинг асосий қисми тўртинчи йилдан етук генератив босқичга ўтиб фитомасса ҳосил қилиши ва уруғ маҳсулдорлиги қобиляти юқори даражаси кузатилди. Ушбу ўсимлик узоқ йил яшаши ҳисобига қари генератив босқич ва сенил даврини кузатишни имкони бўлмади. Мева ҳосил қилиш жараёни август ойи охиридан бошланиб, уруғлар сентябрь охири ва октябрда шаклланди. Йил давомидаги умумий вегетацияси 210 – 230 кун давом этади.

***Bassia prostrata* (L.) Beck, subsp. grisea** – кулранг изен ўсимлигининг уруғини лаборатория шароитида унувчанлиги янги терилган уруғларда 20 – 25%, 3 – 4 ой тиним даври ўтгандан кейин максимал даражага 80,25 – 83%га етди. Дала шароитидаги унувчанлиги кеч куз ва декабрда экилган 0,5 см чуқурлик вариантыда 28 – 32,75% бўлиб, ўсимликлар март ойининг биринчи декадасида униб чиқди ва бошқа вариантларга нисбатан юқори натижа ҳисобланади. Катта ёшли ўсимликлар ҳам вегетациясини март ойининг биринчи декадасида бошлайди. Биринчи йил ушбу ўсимликни ҳам кейреук каби майса ва ювениль босқичида ер устки қисмларининг ўсиш тезлиги секин,

илдиз қисми тез ўсади. Имматур босқичига ўтгандан сўнг июнь ойининг биринчи декадасида ер устки қисмини ўсиши тезлашиб, ушбу ой охирида бўйи 30 смгача ва 4 тадан 13 тагача 5 – 20 смли ён новдалар ҳосил қилади. Икки ва ундан катта ёшли ўсимликларда апрель ва май ойларида ер устки қисмларини ўсиши тезлашади ва июнь ойи охирида ўсимликни ер устки қисми 60 – 65 смни бўлади. Июнь ойи охири ва июль ойи бошида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва тупроқ намлигининг камайиши ҳисобига ўсимликни ер устки қисмларининг ўсиши секинлашади. Биринчи йил ушбу вақтда июль ойида илдиз системасининг узунлиги 80 – 85 смгача етади. Биринчи йил 80% ўсимликлар июль ойи бошида, икки ва ундан катта ёшли ўсимликларда 100% июнь ойининг иккинчи ярмида генератив даврга ўтди. Сентябрьнинг иккинчи декадасидан бошлаб мева ҳосил қилади, уруғлари октябрь ойининг учинчи ва ноябрь ойининг биринчи декадасига пишади. Ўсимликлар учинчи йилдан етук генератив босқичга ўтиб фитомасса ҳосил қилиши ва уруғ маҳсулдорлиги қобиляти юқори даражага етди. Мазкур тур узоқ йил яшаши ҳисобига қари генератив босқич ва сенил даврини кузатишни имкони бўлмади. Ўсимликнинг мавсум давоми умумий вегетацияси 230 – 240 кун давом этди.

Krascheninnikovia ewersmanniana – эверсман терескени ўсимлиги уруғларининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги ўртача 65% бўлиб, тўрт ойдан сўнг максимал 83,25 – 84% бўлди. Дала шароитидаги унувчанлиги барча вариантлар ичида юқори натижа кеч кузда 0,5 см чуқурликга экилган вариантларда бўлиб, 16,5 – 17% ташкил қилиб, март ойининг иккинчи декадасида униб чиқди. Икки ва ундан катта ёшли ўсимликлар ҳам март ойининг иккинчи декадасидан вегетациясини бошлади. Биринчи йил майса ва ювениль босқичларида март, апрель ва май ойларида ўсимликни ер устки қисмларини ўсиш тезлиги секин, илдизлар ўсиши тез бўлиб, май ойининг учинчи декадасида имматур босқичида ер устки қисмлари ўсиши тезлашиб, июнь ойи иккинчи декадасида ўсимликнинг бўйи 45 – 50 смни ташкил қилди. Икки ва ундан катта ёшли ўсимликларда апрель ва май ойларида ўсиш тезлиги юқори бўлиб, май ойининг биринчи декадасида ер устки қисмлари 50 – 55 см бўлди. Биринчи йил июль ойининг учинчи декадасида 60% туплар генератив даврга ўтиб август ойи охирида гуллади. Иккинчи йилдан генератив даврга ўтадиган туплар сони ортиб бориб, ўсимликлар учинчи ва тўртинчи йилдан етук генератив босқичга ўтиб фитомасса ҳосил қилиши ва уруғ маҳсулдорлиги қобиляти юқори даражага кўтарилди. Эверсман терескени ҳам узоқ йил яшаши ҳисобига қари генератив босқич ва сенил даврини кузатишни имкони бўлмади. Тўрт йил давомида ўсимликни мева ҳосил қилиши сентябрь ойи охиридан бошланиб, уруғлари октябрь ойининг иккинчи ва учинчи декадаларида пишиб етилди. Ўсимликни йил давомидаги умумий вегетацияси 190 – 200 кунни ташкил қилади.


Artemisia sogdiana – суғд шuvoғи ўсимлиги уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлиги ўртача 67 – 70 %, тўрт ойлик тиним давридан сўнг 79,25 – 82,25%, дала шароитидаги унувчанлиги ноябрь ва декабрь ойларида экилган 0,5 смли вариантда бошқа вариантларга нисбатан юқори 24 – 32%

бўлиб, март ойининг биринчи декадасида униб чиқди. Катта ёшли ўсимликлар ҳам вегетациясини февраль охири ва март ойи биринчи декадасида бошлайди. Ушбу ўсимликда ҳам биринчи йил ер устки қисмларини фаол ўсиши имматур босқичида май ва июнь ойларида бўлиб, июнь ойида бўйи 30 – 40 смни ташкил қилди. Бошқа турлардан фарқли равишда илдиз тизими нисбатан секин ўсиб ушбу даврда 25 – 30 смни ташкил қилди. Катта ёшли ўсимликларни ер устки қисмлари апрель ойида фаол ўсади. Биринчи йил 50% ўсимликларда генератив давр кузатилди, дастлабки ғунчалар май ойи охирида шаклланди, катта ёшли ўсимликларда июнь ойининг иккинчи декадасидан ғунчалар ҳосил қилди, аммо мазкур ойдан юқори ҳарорат сабабли 50 – 55% барглари тўкиб ўзини ҳимоя қилди. Шунинг ҳисобига гулларининг очилиши август ойининг охири декадаси ва сентябрь ойларида амалга ошди. Суғд шuvoғи онтогенезининг учинчи йилидан етук генератив босқичга ўтади. Мазкур босқичда ўсимлик фитомасса ҳосил қилиши ва уруғ маҳсулдорлиги қобиляти юқори даражаси кузатилди. Ушбу ўсимликда ҳам қари генератив босқич ва сенил даврини кузатишни имкони бўлмади. Мевалари октябрь ойида шаклланиб, ноябрь ойида пишиб етилади. Умумий вегетация даври 255 – 260 кун, аммо июнь охири ва июль ойларида пастки барглари тўкиши ҳисобига физиологик жараёнлар секинлашади. Қишда ҳам илдиз бўғзидан барглар чиқаради.

Диссертациянинг «**Озуқабоп ўсимликлар сув режими**» деб номланган учинчи бобида сув режимини асосий кўрсаткичлари бўлган ўсимликлар баргида сув миқдори, транспирация жадаллиги, ўсимликлар баргида сув танқислиги, барг хужайраси шираси осмотик босими, ўсимликларни ўзида сув сақлаш қобиляти тадқиқотлар натижалари ва таҳлиллари келтирилган ҳамда сув режимини барча параметрлари кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик таҳлил қилинган.

Ўсимликлар баргида сув миқдори. Ўсимликлар ассимиляция тўқималарида сув миқдори сув режимининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, ўсимликнинг сув балансини бошқариш йўлини тушунишга ёрдам беради. *Salsola orientalis* ўсимлигини баргидаги сув миқдори ўрганилган турлар ичида юқори бўлиб, 49,78 – 82,54 %, уч йиллик ўртача 63,49%. Уч йил давомида мавсумнинг иссиқ даври бўлган май, июнь, июль ва август ойларида юқори кўрсаткични сақлаб қолган (1-расм). Сув миқдори кун давомида кескин ўзгармайди. *Bassia prostrata* ўсимлигининг сув режими *Salsola orientalis*га нисбатан ўзгарувчан бўлиб, баргидаги сув миқдори ундан паст 41,1 – 82,35 %, уч йиллик ўртача 56,71%. Мавсум давомида баҳордан ёз ойларигача пасайиб борди (1-расм). Ёз ойларида кун давомида ҳарорат кўтарилган вақтларда сезиларли пасаяди. *Krascheninnikovia ewersmanniana* ўсимлиги баргидаги сув миқдори май ва июнь ойларида *Bassia prostrata*га нисбатан юқори бўлиши аниқланди, лекин *Salsola orientalis*дан паст (1-расм). Уч йиллик кўрсаткич 43,5 – 75,04 % ва ўртача 59,75%ни ташкил этди. Сув миқдорининг кунлик ўзгариши июнь ва июль ойларида ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтларда сезиларли кучли бўлиб, эрталабки кўрсаткичга нисбатан 18 – 24% гача фарқ билан тушиб борди. *Artemisia sogdiana* ўсимлиги сув миқдори ўрганилган бошқа турларга


нисбатан паст бўлиб, мавсум давомида апрель ойидан июлгача тушиб борди (1-расм). Уч йил давомида 41,1 – 75,45 %, ўртача 56,71% аниқланди. Кун давомида кескин ўзгарувчан бўлиб, июль ва август ойларида ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтда эрталабки кўрсаткичга нисбатан 15 – 20% тушиб бориши аниқланди.



1-расм. Ўсимликлар баргида сув миқдорини (%) мавсум давомида ўзгариши (хар бир тажрибалардаги $n=3$; бир кунлик $n = 7$; уч йиллик $n=3$ (2009-2011 й.)).

Ўсимликларда транспирация жадаллиги. Ўсимликлар танасида сувнинг ҳаракатланиши, фотосинтезни тўхтовсиз давом этиши учун ҳаводаги карбонат ангидридни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши, ферментлар функцияси, ўсимлик танасида сувнинг етарли миқдорда бўлиши, юқори ҳароратга ўсимликни чидамлилигини таъминланиши бевосита транспирация жараёнига боғлиқ. *Salsola orientalis* ўсимлигини транспирация жадаллиги бошқа турларга нисбатан паст, 265,11 – 452,33 мг/г. соат, уч йиллик ўртача 362,51 мг/г соат. Кун ва мавсум давомида кескин ўзгарувчан эмас (2-расм). Бу жараён ўсимликни кўп сув йўқотмаслигини таъминлайди. *Bassia prostrata* транспирация жадаллиги *Salsola orientalis*дан юқори ва мавсум давомида ҳам баҳордан ёзгача пасайиб сезиларли даражада ўзгаради (2-расм). Ёз ойларида кунлик транспирацияси паст бўлиб, ўзида кўпроқ сув сақлаб қолади, аммо ҳарорат кўтарилган вақтда (соат 13:00 – 15:00) эрталабки кўрсаткичга нисбатан транспирация 200 – 700 мг/г. соат фарқи билан кўтарилади. Уч йил давомида 183,57 – 810,31 мг/г. соат оралиғида ва уч йиллик ўртача 472,84 мг/г. соат натижалар қайд этилди. *Krascheninnikovia ewersmanniana* ўсимлиги транспирация жадаллиги *Bassia prostrata*га нисбатан юқори ва апрелдан июлгача сезиларли даражада тушиб боради (2-расм). Уч йиллик натижаларга кўра 355,46 – 1111,05 мг/г. соат аниқланди ва ўртача 692,95 мг/г. соат. Кунлик транспирация ҳам ўзгарувчан бўлиб, ҳаво ҳарорати кўтарилган соатларда

кунлик максимал даражага кўтарилиб, эрталабки кўрсаткичка нисбатан 200 – 600 мг/г. соат фарқ қилади.



2-расм. Ўсимликларда транспирация жадаллигининг (мг/г. соат) мавсум давомида ўзгариши (ҳар бир тажрибалардаги $n=4$; бир кунлик $n=7$; уч йиллик $n=3$ (2009-2011 й.)).

Artemisia sogdiana ўсимлигининг таранспирация жадаллиги уч йиллик натижаларга кўра 306,2 – 1323 мг/г. соат, ўртача 683,93 мг/г. соат бўлди. Мавсум давомида транспирация жадаллиги ўзгарувчан бўлиб, апрель ва май ойларида ўрганилган бошқа турларга нисбатан юқори ва июнь ойида кескин тушди (2-расм). Кун давомида ҳам кескин ўзгарувчан, апрель ва май ойларида ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтларда эрталабки кўрсаткичка нисбатан 500 – 560 мг/г. соат гача кўтарилди.

Ўсимликларнинг баргидаги сув танқислиги. Юқори ҳарорат ва қуруқ иқлим шароитига ўсимликларни чидамлилигини билишда уларда сув танқислигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. *Salsola orientalis* ўсимлигини сув танқислиги юқоридаги параметрларга боғлиқ равишда уч йил давомида қуйи кўрсаткич 7,63 – 17,33%, ўртача 13,33% аниқланди. Уч йиллик натижалар ўзаро солиштирилганда ўрганилган бошқа турларга нисбатан паст кўрсаткични кузатиш мумкин (1-жадвал). Кун давомида ҳаво ҳарорати кўтарилган (соат 13:00 – 15:00) вақтларда сув танқислиги эрталабки кўрсаткичка нисбатан 1 – 9% гача юқори бўлади. *Bassia prostrata* сув танқислиги *Salsola orientalis* ўсимлигиникидан юқори бўлиб, уч йил давомида 9,66 – 22,93%, ўртача 16,28% аниқланди. Мавсум давомида апрелдан июнгача кўтарилиб, июль ва август ойларида нисбатан пасайиб бориши кузатилди (1-жадвал). Кун давомида ҳароратга боғлиқ равишда эрталабки кўрсаткичка нисбатан 3 – 12% гача ўзгаради. *Krascheninnikovia ewersmanniana* ўсимлиги баргида сув танқислиги *Bassia prostrata*га нисбатан юқори бўлиб, уч йил давомида 14,03 – 42,1%, ўртача 28,53% аниқланди. Апрель ойидан бошлаб

июль ва августгача кўтарилиб боради (1-жадвал). Июль ойларида кун давомида ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтда эрталабки кўрсаткичга нисбатан 10 – 12% кўтарилди.

1-жадвал


Ўсимликларнинг баргидаги сув танқислиги (%)

№	Ойлар	<i>Salsola orientalis</i>	<i>Bassia prostrata</i>	<i>Krascheninnikovia ewersmanniana</i>	<i>Artemisia sogdiana</i>
1	IV	8,13±0,48	10,74±0,69	14,89±0,43	21,4±0,45
2	V	12,23±0,58	22,23±0,49	16,42±0,36	31,68±0,35
3	VI	13,65±0,84	22,12±0,41	30,03±1,02	34,45±1,49
4	VII	15,57±0,64	13,4±0,39	40,49±0,58	42,76±0,7
5	VIII	16,82±0,41	12,9±0,35	40,85±0,74	43,88±0,94

Изоҳ: (ҳар бир тажрибалардаги $n=3$; бир кунлик $n = 3$; уч йиллик $n=3$ (2009-2011 й.))

Artemisia sogdiana ўсимлигини сув танқислиги ўрганилган бошқа турлардан юқори. Мавсум давомида апрель ойидан июль ва август ойларигача кескин кўтарилиб борди (1-жадвал). Уч йил давомида 20,56 – 45,2%, ўртача 34,83% аниқланди. Май ва июнь ойларида кун давомида ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтда эрталабки кўрсаткичга нисбатан 10 – 19% кўтарилди.

Ўсимликлар барг хужайралари ширасининг осмотик босими. Ўсимликлар барг хужайралари ширасининг осмотик босими уни қурғоқчил шароитларга мослашувчанлигини белгиловчи энг асосий параметрларидан бири ҳисобланади.



3-расм. Ўсимликлар барги хужайраси шираси осмотик босимини (атм.) мавсум давомида ўзгариши. (ҳар бир тажрибалардаги $n=3$; бир кунлик $n = 5$; уч йиллик $n=3$ (2009-2011 й.)).

Salsola orientalis ўсимлиги барги хужайраси ширасининг осмотик босими ўрганилган бошқа турларга нисбатан паст ва баҳор фаслидан ёзнинг июль ва август ойларигача кўтарлиб боради (3-расм). Уч йиллик олинган натижаларга кўра 4,6 – 25,6 атм.гача, ўртача 14,78 атм. ташкил қилади. Кун давомида

Ўзгариши эрталабки кўрсаткичга нисбатан 2 – 9 атм. га тенг. *Bassia prostrata* ўсимлигини осмотик босими *Salsola orientalis*га нисбатан юқори бўлиб, 5,4 – 33,4 атм. ва уч йиллик ўртача 19,34 атм. ташкил қилди. Мавсум давомида апрелдан июлгача кўтарилиб борди (3-расм). Кун давомида ўзгариши эрталабки кўрсаткичга нисбатан 3 – 9 атм.га тенг. *Krascheninnikovia ewersmanniana* ўсимлигини осмотик босими уч йиллик натижаларга кўра 6,2 – 28,4 атм.гача аниқланди ва ўртача 19,68 атм. Апрель, май, июнь ва август ойларида *Bassia prostrata*га нисбатан юқори, натижалар қайд этилди (3-расм). Кун давомида ўзгариши эрталабки кўрсаткичга нисбатан 3 – 10 атм.га тенг. *Artemisia sogdiana* ўсимлигини осмотик босими мавсум давомида кўтарилиб борди (3– расм), уч йил давомида апрель, май ва июнь ойларида 5,6 – 22 атм. ва ўртача 13,88 атм. аниқланди. Июннинг иккинчи ярмида асосий барглари тўкганлиги ҳисобига июль ва август ойларида ушбу ўсимлик барги хужайраси ширасини осмотик босимини аниқлашнинг имкони бўлмади. Июнь ойида кун давомида кескин ўзгарувчан бўлиб, эрталабки кўрсаткичга нисбатан ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтда 9 – 13 атм. юқори бўлиши аниқланди.

Ўсимликларни ўзида сувни сақлаш қобилияти. Сув режимини ушбу параметри ўсимликларнинг сувсизлик, қурғоқчиликга бардош бера олиш қобилиятини намоён қилади. *Salsola orientalis* ўсимлиги сув сақлаш қобилияти ҳам бошқа турларга нисбатан юқори. Июнь ва июль ойларида транспирациянинг нисбатан кўтарилиши ҳисобига сув сақлаш қобилияти пасайди (2-жадвал). Сув сақлаш қобилияти 3 йил давомида 74,26 – 91,26% ва уч йиллик ўртача 84,18% ни ташкил қилди.

2-жадвал

Ўсимликларни ўзида сувни сақлаш қобилияти (%)

№	Ойлар	<i>Salsola orientalis</i>	<i>Bassia prostrata</i>	<i>Krascheninnikovia ewersmanniana</i>	<i>Artemisia sogdiana</i>
1	IV	85,33±3,17	71,15±1,38	67,64±0,86	87,65±1,77
2	V	81,01±1,24	76,67±1,26	76,33±2,07	78,49±3,96
3	VI	81,26±3,51	80,02±0,44	71,97±1,02	60,11±3,7
4	VII	84,93±1,93	83,53±0,89	79,97±1,11	58,38±0,55
5	VIII	88,36±0,03	86,31±0,97	74,43±1,65	65,73±2,95

Изоҳ: (ҳар бир тажрибалардаги n=3; уч йиллик n=3 (2009-2011 й.))

*Bassia prostrata*ни ўзида сув сақлаш қобилияти апрелдан августгача кўтарилиб борди (2-жадвал). Уч йиллик натижаларга кўра 68,66 – 87,33%, ўртача 79,53% аниқланди. *Krascheninnikovia ewersmanniana* ўсимлигини ўзида сув сақлаш қобилияти уч йил давомида 66,36 – 82,13% ва ўртача 74,07% бўлиб, *Bassia prostrata*га нисбатан паст, мавсум давомида апрелдан июль ойларигача кўтарилиб борди (2-жадвал). *Artemisia sogdiana* ўсимлиги сув сақлаш қобилияти бошқа турларга нисбатан ўзгарувчан ва уларга тескари равишда апрелдан июлгача юқори кўрсаткичдан пастга тушиб бориши аниқланди (2-жадвал). Уч йиллик маълумотларга кўра 91 – 54,23% ва ўртача 70,07% натижалар олинди.

Сув режими кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик таҳлили. Ўсимликларни қурғоқчил муҳитга мосланиши ва чидамлилигини ўрганишда аниқланган сув режими кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини исботлаш ва таҳлил этиш, олинган натижаларнинг ишончлилиги ҳамда ўсимликлар сув режимини тўғри баҳолаш учун катта аҳамиятга эга.


Salsola orientalis, *Bassia prostrata* ва *Krascheninnikovia ewersmanniana* ўсимликларининг транспирация жадаллиги ва сув миқдори, сувни сақлаш қобиляти ва осмотик босим ўртасида тўғри (мусбат) боғлиқлик, транспирация жадаллиги ва сув сақлаш қобиляти, транспирация жадаллиги ва осмотик босим, сув миқдори ва сувни сақлаш қобиляти, сув миқдори ва осмотик босим ўртасида тескари (манфий) боғлиқлик аниқланди (4-расм).

Artemisia sogdiana ўсимлигининг сув режими юқоридаги турлардан фарқ қилиб, транспирация жадаллиги ва сув миқдори, транспирация жадаллиги ва сув сақлаш қобиляти, сув миқдори ва сувни сақлаш қобиляти ўртасида тўғри боғлиқлик, транспирация жадаллиги ва осмотик босим, сув миқдори ва осмотик босим, сувни сақлаш қобиляти ва осмотик босим ўртасида тескари боғлиқлик аниқланди (4-расм). *Artemisia sogdiana* ўсимлигида транспирация жадаллиги ва сув сақлаш қобиляти ўртасидаги тескари боғлиқлик қонунияти бузилган. Сув режими параметрлари ўртасидаги бундай боғлиқликлар нафақат *Artemisia sogdiana* ўсимлигида, балки тероиремоксерофит экологик гуруҳига мансуб барча ўсимликларда кузатилган бўлиб, ушбу гуруҳда сувни сақлаш қобиляти сув алмашинувини бошқарувчи фактор эмас (Т.У. Рахимова, 1997).

Диссертациянинг «**Озуқабоп ўсимликларнинг Чуст – Поп адирлари яйловларини бойитиш ва экосистемаларининг тикланишидаги аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобни биринчи бўлимида яйловларни юза яхшилаш усулида бойитиш усуллари ёритилган. Унда экиш учун ўсимликлар уруғини танлаш, экиладиган майдонни тайёрлаш, тупроқда намликни сақлаш, ўсимликларни экиш агротехникаси баён қилинди. Ўсимликлар «Чуст-Бобир-Иброҳим» фермер хўжалигининг адир яйловларида аралаш экилганда маҳсулдорлик 14 ц/гани ташкил қилди. Агар адирнинг чорвадорлар томонидан фойдаланиладиган барча қисмларида озуқабоп ўсимликлар кўпайтирилиб маҳсулдорлик 14 ц/га етказилса 1000 дона майда шохли чорва моллари учун 435 гектар майдон йил давомида яйлов сифатида хизмат қилади. Агар маҳсулдорлик 2,5 – 3 ц/га бўлганда 1000 дона майда шохли чорва моллари учун 2000 гектар яйлов лозим бўлади. Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида табиий яйловларни ем – хашак ўсимликлари билан сунъий бойитишнинг қуйидаги иқтисодий ва экологик аҳамияти келтирилди.

Иқтисодий: 1. Ушбу минтақада майда шохли чорва молларини боқиш 180 – 200 кунни ташкил қилганлиги сабабли, ушбу даврда ўт ўриш, ташиш, молларни нушхўрд ва гўнглари тозалаш каби меҳнат ва харажатлар, ҳамда маҳсулотлар таннари 30 – 40%га камаяди. Асосий харажатлар уруғлар сотиб олиш, ерга ишлов бериш ва экиш учун сарфланади. Юза яхшилаш усулида тубдан яхшилашга нисбатан кам харажат сарфланади. 2. Яйловларда эркин ҳолда боқилган чорва молларини маҳсулдорлиги турғун ҳолда боқилган

молларга нисбатан 20 – 25% юқори бўлади ва чорвани насли табиий тарзда яхшиланиб боради (У.Норқулов, 2010). 3. Табиий ўсимликлардан чорва моллари организми учун зарур бўлган оқсил, углевод, ёғ, витаминлар, минерал моддаларни қабул қилади. 4. Майда шохли ҳайвонларнинг гўшт, жун ва тери сифати ошади.



4 - расм. Ўсимликларда сув режими кўрсаткичларининг боғлиқлиги (Рақамлар кўрсаткичлар орасидаги корреляция коэффициентлари).

1. *Salsola orientalis*, 2. *Bassia prostrata*, 3. *Krascheninnikovia ewersmanniana*, 4. *Artemisia sogdiana*.

Экологик: 1. Юза яхшилаш натижасида адир худудида ярим бута, эфемер ва эфемероидларни биргаликда ҳосил қилган жамоасида ўсимликлар

туплари сонининг кўп бўлиши тупроқ шўрланиши ва эрозиясидан ҳимоя қилади. 2. Ёғин натижасида тупроқда юзага келган намликни нисбатан барқарор сақлайди. 3. Ҳудудда биоценозни барқарор ривожланишига шароит яратилади.

ХУЛОСА

«Чуст – Поп адирлари шароитида айрим фойдали озуқабоп ўсимликлар биоэкологияси» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Лаборатория шароитида *Salsola orientalis* ўсимлигининг бир ой ва қолган турларни тўрт ойлик тиним давридан сўнг уруғ унувчанлиги юқори кўрсаткични намоён қилиб, *Salsola orientalis* 57,5 – 60,25 %, *Bassia prostrata* 80,25 – 83%, *Krascheninnikovia ewersmanniana* 83,25 – 84%, *Artemisia sogdiana* 79,25 – 82,25% бўлиб, сўнгра унувчанлик сақланиш мудатини узайиб боришига қараб пасайиб борди. Дала шароитида унувчанлик барча турларда ноябрь ва декабрь ойларида 0,5 см чуқурликга экилган вариантларда бошқа вариантларга (0,0; 1; 2; 3 см) нисбатан юқори бўлиб, *Salsola orientalis* 19,25 – 20,5%, *Bassia prostrata* 31 – 32,75%, *Krascheninnikovia ewersmanniana* 16,5 – 17%, *Artemisia sogdiana* 31,25 – 32% ни ташкил этди.

2. Ўсимликлар онтогенезининг майса ва ювениль босқичларида ер устки қисмини ўсиш тезлиги секин, илдиз қисми тез ўсди, имматур босқичига ўтганда ер устки қисмини ўсиши нисбатан тезлашди, икки ва ундан катта ёшли ўсимликларда апрель ва май ойларида ўсиш тезлиги юқори. Биринчи йил *Salsola orientalis* ўсимлигида 5 – 10%, *Bassia prostrata* 80%, *Krascheninnikovia ewersmanniana* 60%, *Artemisia sogdiana* 50% тулларида генератив давр кузатилди.

3. Ўрганилган турларнинг онтогенези тўлиқ аъзоли бўлиб, тупроқ ва иқлим шароитига боғлиқ равишда ҳаёт цикли давом этади. Барча турлар ҳаётининг 3 – 4 йилидан етук генератив босқичга ўтиши қайд этилди.

4. Сув режимининг хусусиятларига кўра ўсимликлар ксерофит ҳисобланиб, баҳордан ёзги қурғоқчил мавсумга томон ўсимликлар баргида сув миқдори ва транспирация жадаллиги пасайиб, сув танқислиги ҳамда ҳужайра ширасининг осмотик босими ортиб боради.

5. Ёзги қурғоқчил мавсумда *Salsola orientalis* ўсимлиги юқори сув сақлаш қобилияти, *Bassia prostrata* ва *Krascheninnikovia ewersmanniana* транспирация жадаллигини пасайтириб, барги ҳужайраси ширасининг осмотик босимини кўтариши ҳисобига, *Artemisia sogdiana* ўсимлиги танасининг пастки қисмидаги барглари тўкиши ва транспирациянинг кескин пасайтириши ҳисобига ўзида сув балансини сақлайди.

6. Икки йиллик ва ундан катта ёшда бўлган барча турларда юқори ҳосилдорлик май ойи охири ва июнь бошида кузатилади. Уч йиллик ўсимликларда йиллик ўртача ҳосилдорлик *Salsola orientalis* 15 – 20 ц/га, *Bassia prostrata* 10 – 16 ц/га, *Krascheninnikovia ewersmanniana* 15 – 17 ц/га, *Artemisia*

sogdiana ўсимлиги 7 – 9 ц/гани, ушбу тўрт тур аралаш ҳолда экилганда 14 ц/гани ташкил қилди.

7. Ўсимликларни экиш агротехникаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва мазкур ўсимликлар ёрдамида Республикамизнинг ўсимликлар жамоаси деградацияга учраётган адир минтақаларини иқтисодий жиҳатдан самарали ҳамда экосистемадаги мавжуд турларни сақлаб қолиш имкониятини берадиган юза яхшилаш усулида бойитиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.76.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИМОМОВ ОТАБЕК НОРМИРЗОВЕВИЧ

**БИОЭКОЛОГИЯ НЕКОТОРЫХ ПОЛЕЗНЫХ КОРМОВЫХ
РАСТЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ЧУСТ – ПАПСКИХ АДЫРОВ**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/B214

Диссертационная работа выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namdu.uz) и информационно образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рахимова Турахон Узаковна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юлдашев Акрамжон Султанмурадович
доктор биологических наук, профессор

Махмудов Валижон
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится 20 ноября 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.76.01 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, дом. 316. Тел.:(+99869) 227-06-12, факс (+99869) 227-07-61, e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за № 331). Адрес: 160119, г.Наманган, ул. Уйчинская, д. 316. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Автореферат диссертации разослан 6 ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 11 от 6 ноября 2020 года)



А.Э. Зайнабидинов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., доцент

Х.Э. Эргашева
Ученый секретарь научного совета, по присуждению ученых степеней, PhD по биологическим наукам, доцент

А.Р. Батошов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интенсивный рост численности населения в мире служит причиной увеличения потребностей на продукцию животноводства, наряду с другими нуждами. Естественные пастбища имеют большое значение в животноводстве, неправильное их использование служит причиной резкого сокращения кормовых растений и процесса опустынивания. Для устойчивого развития животноводства на деградированных пастбищах, где сокращаются растительные сообщества, важно укрепление кормовой базы путем защиты и восстановления экосистем и в связи с этим актуальное научно–практическое значение имеет изучение биоэкологии перспективных кормовых растений, используемых для восстановления этих пастбищ, разработка способов их возделывания.

В мире уделяется особое внимание научным исследованиям, основанным на научно-практических основах процесса опустынивания, его предотвращения, формирования искусственных пастбищ, флор зон, биологических, экологических, биохимических, генетических и структурно-физиологических особенностях на территориях с деградированными растительными сообществами. Для предотвращения процесса опустынивания возникает необходимость изучить адаптационные особенности региональных перспективных местных кормовых растений, разработать способы их воспроизводства. В связи с этим большое значение имеют пастбища адырных регионов, что требует отбора перспективных видов из флоры этих регионов, изучения биоэкологии, внедрения научно обоснованных методов выращивания, подходящих для почвенно-климатических условий. Изучение видов, распространённых в адырных регионах, но сокращающихся в настоящее время эдификаторов и видов с высокой пищевой ценностью, а также внедрение методов поверхностного улучшения с сохранением существующих растений имеют важное значение для восстановления растительных сообществ.

В нашей республике осуществляется оценка деградированных пастбищ, инвентаризация видов растений, отбор перспективных кормовых растений из флоры регионов, размножение, повышение урожайности и рекомендации по восстановлению. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи¹ по «Дальнейшему развитию животноводства: созданию кормовой базы для животноводства и обеспечению качественными кормами». При выполнении этих задач также важно оптимизировать деградированные пастбища Чуст-Папских адыров, которые расположены на северо-западе Ферганской долины. Изучение

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4974 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 года.

биоморфологических, экологических и физиологических адаптивных свойств полезных кормовых растений которые адаптированы к местным условиям имеет большое научное и практическое значение для воспроизводства растений этих адыров с использованием методов поверхностного улучшения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 07 февраля 2017 года №УП-4974 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 22 февраля 2019 года №ПП-4204 «О мерах по повышению эффективности работ по борьбе с опустыниванием и засухой в Республике Узбекистан», Законе Республики Узбекистан № 409 от 21 сентября 2016 года «Об охране и использовании растительного мира», Законе Республики Узбекистан № 538 от 20 мая 2019 года «О пастбищах» и а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

